Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 30-yanvar, payshanba № 14 (3363)

Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади.

Ислом КАРИМОВ

Спорт ва соғлом оила — соғлом бола ва соғлом жамият асоси

Президентимиз Ислом Каримов раислигида 28 январ куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз.

Болалар спорти объектлари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашиши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислом Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди.

Олти ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яҳё Имомов Францияда ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонига мувофиқ Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил «Баркамол авлод» мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилдик. Бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу даъватга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тортаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировардида Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.Зокиров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Касб-ҳунарли ёшлар

Навоий вилояти Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежини 2012-2013 ўқув йилида 400 нафар йигит-қиз тугатди. Битирувчилар тузилган уч томонлама шартномага кўра, Навоий кон-металлургия комбинатига ишга жойлашди.

Минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олаётган коллежда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш механиги, очиқ кон машина ва жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш устаси, пайвандлаш ишлари, автоматик восита жиҳозлари ва назорат-ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш техниги, фойдали қазилмаларни бойитувчи каби 14 йўналишда мутахассис тайёрланади. Таълим даргоҳида барча замонавий шароитлар яратилган.

Суратларда: ўқувчи Рушана Ражабова; машғулот пайтида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Касаба уюшма ҳаёти

Бошланғич касаба уюшма қўмитасида иш юргизиш, очиғини айтганда, ҳар ким ҳам эплаб кетадиган иш эмас. Айниқса, «Ўзмахсуссувқурилиш» ихтисослаштирилган компанияси давлат корхонаси каби иш фаолияти мураккаб бўлган жойларда. Корхона 2009 йил 10 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан барпо этилган бўлиб, асосан сув хўжалиги объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ихтисослашган.

Мукаммалликка интилиб

Мазкур жамоада бошқа корхоналардагидан фарқли равишда иш ўта тиғиз жадвал асосида амалга оширилади, 1 мартдан 1 декабрга қадар эса уч сменада ташкил этилади. Бу ерда салкам 500 га яқин турли касб эгалари меҳнат қилади. Меҳнат вазифасини бажараётган ишчиларга нисбатан кичкинагина бепарволик катта кўнгилсизликка олиб келиши мумкин. Чунки қурилиш ҳар сафар ҳар хил ҳудудларда, ҳар хил табиий шароитларда амалга оширилади. Шу боис бу пайтда касабақўмнинг иши ҳар доимгидан ҳам кўпаяди, масъулияти янада кучаяди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2012 - 2013 йилларга тузилган жамоа шартномаси ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида чинакамига меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаш қандай бўлишини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Аҳамиятлиси, шартноманинг ҳар бир бўлими, бандида ишчиларнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳеч бир ҳолат эътибордан четда қолмаган. Ёзёвон, Сардоба, Кўксарой, Камангарон, Оқчорбсой ва Қорақалпоғистондаги сув қурилиши иншоотларида вахта усулида ишлаётган ишчиларга ҳар ўн беш кунда ўз уйларига бориб келиши учун йўлкира тўлиқ корхона ҳисобидан амалга оширилади. Уларга махсус кийимкечаклар, зарур бўлган барча иш қуроллари олиб берилган. Шунингдек, кўчма вагон уйларда ташкил этилган ётоқхоналар диван, кўрпа-тўшак, ювиниш учун махсус хоналар, санитария-гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланган.

(Давоми 2-саҳифада).

Конференция

Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида 57021 нафар аъзо бўлиб, 41203 нафари меҳнат жамоаларида ишлайди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг мажлислар залида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят ходимларининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Х. Икромов ўтган йилда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан маъруза қилди.

Ташаббускорлик — давр талаби

Марказий кенгаш бош мутахассиси З.Алиев Соғлом бола йили муносабати билан тармоқ касаба уюшмаси жамоа шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси ҳақида тўхталиб ўтди.

Муҳокамаларда тармоқ ходимлари Асака туман кенгаши раиси Х. Тўраев, Андижон Давлат тиббиёт институти бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Деҳқонов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари конференциясига делегатлар сайланди.

Йиғилишда касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Навоий вилояти Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси конференциясида тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятига кенг ўрин берилди.

Тармоқ Марказий кенгаши бош ҳисобчиси Алишер Эргашев бугун касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга атрофлича тўхталди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Низомига киритиладиган ўзгаришлар муҳокама қилинди.

Конференцияда тармоқ Марказий кенгашининг навбатдан ташқари Қурултойига делегатлар сайланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Пойтахтимизда давлат томонидан оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ислоҳотлар ва медиа тизим равнақи

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган тадбирда депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, босма ва интернет нашрларининг журналистлари, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий журналистика соҳасини изчил равнақ топтириш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кўплаб қонун ҳужжатлари медиа соҳани янада эркинлаштириш, унинг жаҳон андазалари даражасида фаолият кўрсатиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. 1991 йилда мамлакатимизда 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар 1372 тани ташкил этади. Уларнинг олтмиш фоизга яқини нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислоҳ этиш, унинг тараққиёт стратегиясини белгилаб беришда янги босқич бўлди. Медиа тизимни равнақ топтиришга оид миллий қонунчиликнинг тобора такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва омиллар яратиш, шу аснода медиа тузилмаларнинг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 30-yanvar № 14 (3363)

Наманган шаҳридаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Verigrow ipagi» хорижий корхонаси бир вақтлар «Атлас» комбинати эди. Бу ерда тўқилган атлас анча харидоргир бўлган. Кейинчалик, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга дош беролмаган корхонанинг мулк шакли ва эгаси бир неча бор ўзгарса-да, ишлаб чиқаришда жиддий силжиш бўлмади.

Фаоллик

Ўтган ўқув йили Наманган вилояти ёшлари учун шарафларга бой йил бўлди. Жумладан, аниқ фанларни мукаммал ўрганишга ихтисослаштирилган академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Лицейим — фахрим» беллашувида НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчилари Ривожиддин Жалолов физика фанидан биринчи, Сирожиддин Абдукаримов информатика фанидан иккинчи, НамМТИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Даврон Ҳайдаров информатика фанидан учинчи ўринни эгаллади. НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Сардор Юсуфжонов математика бўйича халқаро олимпиадада қатнашиш учун республика терма жамоаси таркибига киритилди. Косонсой қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик коллежи ўқувчиси Дилором Отақулова шотакан каратэ-до бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиқиб, олтин медал ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Шижоат фасли

Умуман олганда, НамДУ қошидаги лицейлар улоқни илиб кетишди. 2-академик лицей ўқувчиси Тимурбек Қосимов умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасида инглиз тили фани бўйича, НамДУ қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Муҳриддин Холиқов математика фани бўйича биринчи, НамДУ қошидаги Чортоқ академик лицейи ўқувчиси Мунира Алимова она тили ва адабиёт, НамДУ қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Жасур Ортиқов биология фанлари бўйича иккинчи ўринларни қўлга киритиб, олий ўқув юртларига тест синовлари ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўлдилар.

Наманган шаҳар транспорт ва ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Шоҳиста Рашидова Зулфия номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди. Спортнинг турли йўналишлари бўйича ўқувчилар республика миқёсида 52 та олтин, 87 та кумуш ва 91 та бронза медаллари соҳиби, 6 нафари Осиё чемпиони, шунингдек, 14 нафари халқаро турнир ғолиби бўлди.

Фахрланса арзигулик натижаларнинг ҳаммаси тинимсиз изланишлар, рағбат ва эътибор маҳсулидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшма ташкилотлари ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига ҳисса қўшмоқда. Жумладан, коллеж битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш, ёш тадбиркорларга услубий ва моддий ёрдам кўрсатиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида вилоят Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, вилоят «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилиниб, ушбу йўналишда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

— Корхона, ташкилот, муассасаларда амалиёт ўтаётган битирувчилардан 1775 нафар кам таъминланган оила фарзандларига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида — 28 млн. 300 минг сўм етказиб берилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бўлим мудири Қаҳрамон Содиқов. — Шу билан бир қаторда, касб-ҳунар коллежини имтиёзли диплом билан битирган кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш ишлари мунтазам амалга оширилаётир.

Навниҳолларга сув ва ҳаводек зарур бўлганидек, ғамхўрлик, эътибор ёшларнинг катта ҳаётга мослашишлари, ўз ўринларини топиб олишларида ўзига хос омил бўлмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

2013 йили мамлакат ҳукумати, тегишли вазирликлар ҳамда вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан корхона хорижий инвестор тасарруфига берилди. Ҳиндистоннинг тўқимачилик саноатидаги етакчи компанияларидан бири бу ерда «Verigrow ipagi» корхонасини ташкил этди.

— Хорижий инвестициянинг 65 фоизи янги техника ва технология сотиб олишга йўналтирилиб, корхонада модернизация, техник-технологик янгилаш ишлари амалга оширилди, — дейди бош директор ўринбосари Аброржон Ҳошимов. — Ҳозир маҳаллий ва хорижлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқариш линиялари монтаж қилиниб, дастлабки қувватлар ишга туширилди.

Ўтган йили ишлаб чиқарилган бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинди. Дастлаб 60 нафар ишчи-ходим билан фаолият бошлаган корхонада бугунги кунда 180 киши меҳнат қилмоқда.

Суратда: ишчи Гулмира Отабоева.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) олган сурат

Эътибор ва эъзоз

«Қашқадарё соҳили санаторийси» масъулияти чекланган жамиятида сўнгги йилларда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 70 ўринли сиҳатгоҳ 106 ўринга етказилди. Жаҳон андазаларига мос келадиган «люкс» хоналар кўпдан бери дам олувчиларнинг орзуси эди. Шу мақсадда 20 миллион сўмлик жиҳозлар олинди, қулайликлар яратилди. Айниқса, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш, биокимёвий таҳлил қилиш ускуналарининг харид қилиниши натижасида муолажа усуллари кўпайди.

Кўнгил бежиз талпинмайди

Муттасил ва амалий эътибор туфайли дам олиш маскани йилнинг ҳар фаслида меҳнаткашларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини тиклаши учун барча қулайликка эга бўлди. Натижада, дам олувчилар сони ҳам ўсди. Мисол учун, ўтган йили 2334 киши соғлигини тиклаган бўлса, шундан 1069 нафари хотин-қизлардир. Йил давомида 50 нафар кам таъминланган ва ногирон фарзанди бор беморлар имтиёзли тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатор шароитда даволанди. Санаторийимиз яқинидаги «Равоқ» маҳалласида яшовчи уч нафар боқувчисини йўқотган бола оталиққа олиниб, уларга доимий моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ходимларнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларига саёҳати ташкил қилинди.

Санаторийда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун барча шароит яратилган. Кутубхона, концерт ва кинофилмлар намойиши учун 120 кишига мўлжалланган клуб фаолият олиб бормоқда. Турли спорт тадбирлари уюштириляпти, санъаткорлар таклиф этилиб, театр ва концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилиб, кечки пайт мусиқий дастур уюштирилди. Шунингдек, Республика Сатира театр жамоасининг «Хўжа Насриддиннинг ёшлиги ёхуд чала туғилган бола» номли спектакл томошаси барчада катта таассурот қолдирди. Дам олувчилар ўртасида қизиқарли спорт мусобақалари ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш ишлари ҳам анъанага айланган...

Санаторий директори Обод турмуш йилида амалга оширилган ишларнинг Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирилишини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Электромагнит, лазеротерапия, иссиқлик тўлқини билан уқалаш, электровитромассаж каби имкониятларга эга «Нуга бест» аппаратини харид қилганимиз дам олувчиларнинг саломатлигини тез ва тўла тиклашида самара беряпти. Бундай замонавий тиббий ускуналарни кўпайтирмоқчимиз. Шунингдек, даволовчи жисмоний тарбия хонасини спорт анжомлари ва турли тренажёрлар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Дам олувчиларни вилоятимизнинг тарихий обидаларига, зиёратгоҳ жойларига саёҳат қилдириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун лизинг асосида автобус сотиб олмоқчимиз. Дам олувчиларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхона ташкил этиш, чорвачиликни йўлга қўйиб, ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш ҳам мўлжалланяпти...

— Деҳқонобод тумани Бошчорбоғ қишлоғиданман, — дея ўзини таништирди санаторийда ҳордиқ чиқараётган Аҳмад Хўжамиёров. — Тумандаги 46-умумтаълим мактабида ишлайман. Оёқ ва бел оғриғи безовта қиларди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашидан йўлланма олиб, «Қашқадарё соҳили»га келдим. Физиотерапик муолажалар асосида соғлигим анча тикланди.

Дарҳақиқат, «Қашқадарё соҳили»даги янгиликлардан барча бирдек мамнун. Шу боисдан ҳам сиҳатгоҳда бўш ўринлар йўқ. Нафақат воҳадан, Хоразм, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан ҳам сиҳат истаб келувчилар кўпаяётир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Меҳнатга муносиб рағбат жамоада ишчанлик, изланиш, ташаббускорлик муҳити шакланишига хизмат қилади. Бунга Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси жамоасида алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Тизимда меҳнат қилаётган 1167 нафар ходимнинг барчаси касаба уюшма аъзоси. Ходимлар меҳнати, турмуши, оила аъзолари манфаати маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасида тўла акс этган. Эътиборли томони, ходимлар ва улар оила аъзоларининг нафақат моддий, балки маънавий, интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳам жамоа диққат марказида.

Жамоа шартномаси — кафолат

— Қай соҳада ишламайлик, маънавиятли бўлишимиз даркор, — дейди Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Беҳзод Раҳматуллаев. — Жамоамизда «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Тадбир доирасида «Энг азиз, энг улуғ қадриятимиз» мавзуида кўргазма ташкил этдик. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, қаровсиз қолган болалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

Тизим ташкилотларида меҳнат қилаётган 367 нафар хотин-қизга жамоа шартномаси асосида ижтимоий кўмак кўрсатилаётир. Уларнинг ҳар бири байрамлар арафасида рағбатлантирилиб, муайян имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда. Ходимларни соғломлаштириш ва спортга жалб этиш жамоат ташкилоти назоратига олинган. 19 нафар ходим жамоат ташкилоти кўмагида турли сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Шунингдек, ходимлар фарзандларининг қишки таътил кунларини мазмунли ташкил этишга доир тадбирлар режаси тузилиб, уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши таъминланди.

— Касаба уюшмаларида тузилмавий ўзгаришлар боис, молиявий имкониятимиз анча кенгайди, — дейди бошқарма бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Қобил Хўжақулов. — Ходимларни мамлакатимиздаги обод манзиллар, тарихий қадамжоларга саёҳатини ташкил этишга жиддий эътибор бераяпмиз. Ходимлар ва улар оила аъзоларининг Имом Бухорий, Хўжа Аҳрор Валий қадамжоларига, «Шоҳи зинда», «Регистон» тарихий мажмуаларига, Самарқанд ўлкашунослик музейига сафарлари ташкил этилди.

Бошқармада жамоа шартномасининг ижросига бағишланган йиғилишда маъмурият ва касаба уюшмасининг меъёрий ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширган ишлари эътироф этилди. Бошланғич ташкилот етакчисининг таъкидлашича, жорий йилда тизим ташкилотида хизмат қилаётган ташаббускор ходимларнинг 600 нафари Тошкент, Бухоро, Хива, Навоий ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳат қилади. Шунингдек, «Соғлом бола — жамият таянчи» шиори остида аёллар ва ёш қизлар, болалар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилади. 120 нафар ёш оилага уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар, истеъмол товарлари сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар ажратилишига эришиш мўлжалланаётир.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ва жойларда сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларнинг иш берувчилар билан ҳамкорлигини кучайтиришга доир вазифалар белгилаб олинди.

— Бош бошқарма ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биргаликда ходимлар меҳнатини муҳофазалаш борасида кўп ишларни амалга ошираётир, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Усмон Каримов. — Иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат жараёнида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда ҳамкорлик ўз мевасини бермоқда.

Бошланган йилда жамоа олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу борада иш берувчи ва касаба уюшмасининг ижтимоий шерикликда фаолият олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимизда миллат соғломлигини таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўтган йиллар давомида кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ва боқувчисини йўқотган ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларга тизимли равишда молиявий ва тиббий ёрдам бериб келяпти. Вилоятимизда ўтган йили 17922 кишига тиббий хизматлар кўрсатилди.

Биз ҳам бир ёндан

Уларнинг аксариятини ногирон болалар ва аёллар ташкил этди. 6 млн. 628 минг сўмдан ортиқ дори-дармон, гигиеник анжом ва кийим-кечаклар тарқатилди. Қирқ нафар беморга ногиронлик аравачалари олиб берилди. Болалар боғчалари, мактаб ва коллежларда олиб борилаётган тиббий кўриклар ҳамда маърифий тадбирларга малакали шифокорлар жалб қилиниб, болаларнинг саломатлиги мунтазам равишда назорат қилиняпти.

Дарҳақиқат, соғлом фарзанд кўришни хоҳловчи ҳар бир инсон ижтимоий муносабатларни тўғри ташкил қилиш, тиббий маданиятли бўлиш, ўз ҳаётини соғлом шакллантиришга астойдил ҳаракат қилиб, оиласи ва фарзандлари истиқболи ҳақида жиддий қайғуриши зарур. Президентимизнинг «Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакни ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», деган сўзлари ҳар биримизни фарзандлар тақдирига бефарқ бўлмасликка ундайди.

Дарвоқе, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағи ёрдамида «Бир йил давомида Оролбўйи ҳудуди Урганч тумани аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий санитар, профилактика ёрдамини кўрсатиш» лойиҳаси амалга оширилаётир.

Наргиза ШАРИПОВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раҳбари

Мукаммалликка интилиб

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари, уларга уч маҳал қувватбахш иссиқ овқат жорий этилган бўлиб, таомларнинг сифатли тайёрланиши доимий назоратда. Тизимнинг деярли барча қурилиш олиб борилаётган ҳудудларида тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, улар барча зарурий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Ходимлар ишдан бўш вақтида футбол, волейбол, теннис каби ўнлаб спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Меҳнат таътилига чиқаётганда бир ойлик маош миқдорида рағбатлантириш йўлга қўйилган. Оила аъзоларидан бирига тўй қилаётганда ёки уларнинг биронтаси вафот этган тақдирда, ходим энг кам ойлик иш ҳақининг олти баробарида моддий ёрдам олади. Бундан ташқари, йилига бир марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун моддий ёрдам ажратилади.

Фарзандлари биринчи бор мактабга қадам қўяётган ишчи-хизматчиларга ҳам энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериш яхши анъанага айланган. Шунингдек, ўғил-қизлари олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган ходимларга ойлик маошидан ушлаб қолиш шарти билан йиллик ўқув тўловлари корхона маблағидан ўтказиб берилади.

Йил давомидаги байрамларда ишчиларга мукофот бериб бориш назарда тутилган. Илғор, пенсия ёшига етган шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳам касаба уюшмаси эътиборида. Ўтган йилда 60 ёшга тўлган икки ва эллик ёшга тўлган саккизта ходимга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган, фаол инженер-техник ходимлардан 60 нафари пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Корхона ҳисобидан ёз мавсумида 10 та кам таъминланган оила фарзандларига ҳофиз ва санъаткорлар иштирокида, тўкин дастурхон ёзилиб, хатна тўйи ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Болаларнинг ҳар бирига биттадан велосипед, бош-оёқ сарпо совға қилинди. Уларнинг ҳар бири номига банкда ҳисоб рақами очилиб, энг кам иш ҳақи миқдорида пул ўтказиб берилди. Ушбу маблағ улар 16 ёшга тўлгунга қадар банкда омонат шаклида кўпайиб боради. Улар паспорт олиб, янги ҳаётга қадам қўйган маҳали ана шу пуллар асқотади, албатта.

— Имкони борича тез-тез иншоотларимизда бўлиб, ходимларимизнинг ётоқхоналари, иш ва дам олиш шароитларини синчковлик билан кўриб чиқамиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Севара Пратова. — Улар билан мулоқотда бўлиб, фикр-мулоҳазалари, таклифлари, шикоятларини ўрганиб чиқамиз. Гап бир оиланинг боқувчиси, қолаверса, инсон ҳаёти ҳақида кетаркан, уларнинг соғлиги, хавфсизлиги учун жавобгар эканлигимизни ҳис қиламиз. Корхона маъмурияти билан тузилган охирги жамоа шартномаси бандларининг асосий қисми айнан ходимларимизнинг талаб ва таклифлари маҳсулидир.

Корхона тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Хулоса ўрнида айтмоқчи эдикки, ҳар бир етакчи Севара опадек чуқур масъулият билан, ўз фаолиятида мукаммалликка интилиб ишласа, шахс ҳам жамият ҳам камолга етиб бораверади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири



САВОЛ: *Олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларининг кунлик овқатланиши учун ота-оналар томонидан ойлик бадал тўлаб борилади. ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган ёки Афғон уруши иштирокчиларининг фарзандларига бу борада бирор имтиёз борми?*

Гавҳар БОЛТАЕВА,
Жиззах тумани

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Олимпия захиралари коллежларида текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг IV бўлимида «Кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни ота-оналар тўловидан озод қилиш тартиби» белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги қарорига мувофиқ кам таъминланган оилалар ўқувчилари ота-оналар тўловини тўлашдан ҳар қайси олимпия захираси коллежидаги жами ўқувчиларнинг кўпи билан 30 фоизи озод қилинади.

Бунда кам таъминланган оилаларнинг ота-онаси (улардан бири ёки иккаласи ҳам) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган ўқувчиларга ушбу имтиёз биринчи навбатда қўлланилади.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган кам таъминланган оила тўғрисидаги маълумотнома ўқувчиларни ота-оналар тўловидан озод қилиш учун асос ҳисобланади. Ушбу ҳужжат белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун олимпия захиралари коллежига тақдим этилади.

Кам таъминланган оилаларнинг ота-оналар тўловидан (режалаштирилаётган ўқувчилар умумий сонининг 30 фоизи доирасида) озод қилинаётган ўқувчилари рўйхати молия йили бошлангунгача, ота-оналар кенгаши йиғилиши протоколи асосида олимпия захиралари коллежи директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Рўйхатдаги таркиб ўқувчилар коллеждан батамом кетиши сабабли ўзгарган тақдирда янги рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг ўқувчиларидан шакллантириладиган захира ҳисобига тўлдирилади. Рўйхат унга биринчи навбатда оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига умумий ойлик даромад даражаси энг паст бўлган кам таъминланган оилалар ўқувчиларини киритиш қоидасига риоя этилган ҳолда тўлдирилади.

Кам таъминланган оилалар ўқувчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш олимпия захиралари коллежи ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси ҳосил бўладиган қийматининг 75 фоизи миқдорида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

САВОЛ: *Мактабимизга бошланғич таълим йўналиши бўйича ёш, олий маълумотли ўқитувчилар ишга келган. Бироқ бу синфларга илгаридан раҳбарлик қилиб, дарс бериб келган ўрта махсус таълим даргоҳларини битирган тажрибали мутахассисларимиз ҳам бор. Қоида бўйича синф раҳбарлиги ва бошланғич синфларга дарс беришни кимга юклашимиз керак?*

К. ТАЖЕНОВА,
Нукус шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 14 июндаги «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан ўқитувчи лавозимига қуйидаги малака талаблари белгиланган:

а) бошланғич синф ўқитувчилари учун бошланғич таълим ихтисослиги бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумот;

б) фан ўқитувчиси учун фан йўналишига тўғри келувчи камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;

в) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиш.

Саволларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юристконсулти Д.МУҲАМЕДАЛИЕВА жавоб берди.

■ Жараён

Ривожланган давлатларда фуқаро ва хўжалик субъектлари ўртасидаги қарздорлик низоларининг 80-85 фоизи ҳакамлик судлари орқали ечим топади. Юртимизда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 2007 йил 1 январдан кучга кирди. Вилоят ва туманларда Ҳакамлик судлари ташкил этилиб, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди.

Ҳакамлик судининг имкониятлари

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни асосида 2009 йил май ойида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ташкил этилиб, унинг тизимида Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар филиаллари ва барча вилоятларда ваколатхоналар фаолиятига йўл очилди. Шунингдек, барча туманларда 156 та ҳакамлик суди ишлаб турибди. Уларда 400 дан ортиқ судялар фаолият юритмоқда.

Ўтган даврда судлар томонидан фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича 271.736.560 сўмлик 23 766 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, 203 038 735 сўмлик 17 210 та даъво қаноатлантирилди.

Бундай судлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этиб келаётган нодавлат органи ҳисобланади. Ҳакамлик судида иш тезкорлик билан ҳал этилиб, мақсад тарафларни келиштириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни сақлаб қолишга қаратилган. Муҳокаманинг махфийлиги кафолатланади, томонлар жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди, ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради, хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳакамлик суди аниқлаган холатларни текширишга ёки унинг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Ҳакамлик судлари йиғими миқдори хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилганда тўланиши лозим бўлган давлат божининг ярмидан ошмайди, ҳал қилув қарори ихтиёрий бажарилмаган тақдирда, у мажбурий ижрога қаратилади.

Хўш, ушбу судларда иш қандай тартибда кўриб чиқилади? Айтайлик, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи «Фарҳод ва Ширин» МЧЖ ва «Қурилиш сервис» корхонаси ўртасида бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар учун муддати ўтган 200 000 000 сўмлик қарздорлик вужудга келган. Даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган шартномага асосан шартнома доирасида вужудга келувчи ҳар қандай низо ҳакамлик судида кўрилишига келишиб олинган. Натижада, даъвогар ариза билан ҳакамлик судига мурожаат қилди. Ариза иш юритувга олиниб, мазмунан кўриб чиқилди. Томонларнинг келишувига эришилмагач, уларнинг имкониятлари инобатга олиниб, ҳал қилув қарорида ихтиёрий тўлаш муддати белгилаб берилди. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мажбурий ижроси қонун талабига биноан кафолатланган бўлиб, ихтиёрий ижро қилиш муддатида қарздорлик бартараф этилмагани учун ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мажбурий ижрога қаратилади ва ижро варақа асосида жавобгарнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳамда мол-мулки ҳисобидан қарздорлик қопланади.

Бошқа бир мисол. Эргаш Солиев таниши Улуғбек Турғуновнинг илтимосига асосан иш юритиш мақсадида 10 миллион сўмни 5 ойда қайтариб бериш шарти билан қарз берди. Белгиланган муддатда қарзини ололмагач, Ҳакамлик битимига асосан судга мурожаат қилди. Муҳокамада жавобгар даъвони тан олиб, иқтисодий қийинчиликлар сабабли ўз вақтида қарзини қайтаролмаганини, эндиликда ишлари юришгани, шунинг учун қарзини бўлиб-бўлиб беришга 3 ойлик муддат сўради. Ҳакамлик суди жавобгарнинг иш фаолиятини ўрганиб, ихтиёрий тўлов муддатини белгилади. Агар бу муддатдан ўтса, мажбурий ундириш учун ижро органларига ошиши тўғрисида огоҳлантириш берди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мустақиллик йилларида олиб борилаётган судҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш, энг муҳими, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилаётир.

Аълам ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси бошқарма бошлиғи

■ Молия муассасаларида

IPOTEKA BANK

Тижорат банкларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янада кенг кулоч ёзиши ва чуқурлашувига салмоқли ҳисса қўшаётгани ҳар қадамда сезилмоқда. Айниқса, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожида кўпроқ кўзга ташланмоқда.

«Ипотека банк»: Эзгу ниятларга амалий кўмак

Хусусан, «Ипотека банк»нинг Яккасарой туман филиали зиммасига юклатилган вазифаларнинг асосий параметрлари ижроси бўйича барқарор юксалишга эришилмоқда. Жумладан, филиалнинг кредит портфели салмоғи ўтган йили кескин ошди. Соф кредит қўйилмалари 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига 17 миллиард 593 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январига келиб, 29 миллиард 622 миллион сўмга етди.

Жами кредит қўйилмаларининг қисқа муддатлилари қарийб икки баравар кўпайиб, 13 миллиард 284 миллион сўмга етди. Узоқ муддатли кредитлар ажратишда ҳам 52 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, туман филиали мижозларга лизинг йўли билан хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Чунончи, лизинг усулида ажратилган маблағ 2014 йилнинг 1 январи ҳолатига 1 миллиард 246 миллиои сўмни ташкил этди.

Банк филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларига, ёш оилаларга тезкор ва етарлича кредитлар ажратишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Кейинги йилларда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари, давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Уларда тижорат банклари зиммасига ушбу соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш вазифаси юклатилган. Яккасарой туман филиали бу масалада ҳам ташаббускор бўлмоқда. Масалан, 2013 йил давомида кичик бизнес субъектларига жами 19 миллиард 250,3 миллион сўмлик 142 та кредит ажратилди. Энг муҳими, ушбу кредитлар ҳисобидан 184 та янги иш ўрни яратилди.



Филиал 2013 йил давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашни кескин кучайтирди. Чунончи, шу тармоқ субъектларига ажратилган кредитлар 5 миллиард 446 миллион сўмга етди.

Банк филиали оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик ривожини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшаяпти. Бу соҳага йўналтирилган кредитлар 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига 62,1 миллион сўм бўлса, жорий йил шу муддатга қадар 101 миллион сўм ажратилди.

— Муҳтарам Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпмиз, — дейди филиал бошқарувчиси Ваҳоб Ҳусанов. — Жумладан, 2013 йилда 41 та ёш оилага 311 миллион 660 минг сўм истеъмол кредити ва 20 та ёш оилага 1 миллиард 321 миллион 370 минг сўм ипотека кредитлари ажратдик. Ёш оилалар филиалимиз ажратаётган кредит маблағлари ҳисобига янги уйларини ўзларига маъқул жиҳозлар билан бойитиб, рўзғорларини бутлаб олмоқдалар.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, шахсий бизнесларини тезда йўлга қўйиб олишлари учун молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида 2013 йилда иш бошлаган «Ўлзада шебер» оилавий корхонасида 14 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланган. — Корхонани замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозлашда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг Чимбой бўлимидан олинган кредит қўл келди, — дейди мазкур корхона раҳбари Парвоз Ережепова. — Айни пайтда моҳир чеварларимиз ўндан зиёд турда тикувчилик маҳсулотлари ва буюртма асосида махсус иш кийимлари тайёрламоқда. Келгусида корхона ҳузурида нон цехи ва автомобилларни таъмирлаш устахонасини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Суратда: ишчи Муяссар Абдуллаева.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Олам ва одам

Олимлар Ердаги тирик организмлар захирасидаги вақт аввал ҳисобланганидан 2,5 баравар кўпроқлигини аниқлашди. Унга кўра, сайёрамиз 650 миллион йилдан кейин эмас, фақат 1,5 миллиард йилдан сўнг ҳаёт учун жуда иссиқ ва яроқсиз бўлиб қолади.

Унгача 1,5 миллиард йил бор

Колорадо университети олимлари янги компютер моделини яратишди. Унинг ёрдамида нафақат Ер устига ёғиладиган қуёш радиацияси ҳисоб-китоб қилинади, балки, сайёрадаги атмосфера ва гидросфера захираси ҳам инобатга олинади. Таъкидланишича, вақт ўтиши билан Қуёш қайноқлашиб боради ва бора-бора ердаги ҳаво ҳарорати сув сақлана олмас даражада юқори бўлади.

Олимларнинг тахминига кўра, Қуёшдаги ҳарорат ҳар 110 йилда 1 фоизга кўтарилади. Бу эса Ердаги ҳаёт инсон учун номақбул бўлишига камида 1,5 миллиард йил кетади дегани.

Канададаги қариялар уйида 23 январ куни содир бўлган ёнғин туфайли қурбон бўлганлар сони 14 нафарга етди. CTV Newsнинг хабарига кўра, яна 18 нафар фуқаро бедарак йўқолган.

Қурбонлар сони ортмоқда

Вафот этганларнинг жасадини излашга қаратилган ҳаракатлар кучли шамол ва совуқ сабабли қийинлашмоқда. Қолаверса, қутқарувчилар вайрон бўлган бино устини қоплаган 60 см. лик муз сабабли қутқарув ишларида махсус техникалардан фойдаланишга мажбур бўлишаяпти.

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби ҳақида расман маълумот берилганича йўқ. Аммо бунга ўчирилмай ташланган сигарета қолдиғи сабаб бўлган, деган тахмин мавжуд.

Ёнғин Квебек вилоятида жойлашган Л,Иль-Верд манзилгоҳидаги Қариялар уйида юз берган. Бу ердаги аҳоли сони 1,5 минг кишини ташкил этади. Қариялар уйида 50 нафар шахс яшаган. Бундан ташқари, бинода ижтимоий ёрдам хизмати, дорихона ва сартарошхона фаолият кўрсатган.

Энг бадавлат 85 киши қўлида тўпланган маблағ — 1,7 триллион АҚШ долларига яқин бойлик сайёрамиз аҳолисининг энг қашшоқ — тахминан 3,6 миллиард кишининг моддий бойлигига тенгдир. Бу факт Oxfam хайрия ташкилоти олиб борган тадқиқот натижасида аниқланган.

Oxfam тадқиқоти

Маълумотларга кўра, бутун дунё сармоясининг деярли ярми (46 фоизи — 110 триллион АҚШ доллари) инсониятнинг атиги бир фоизи қўлида тўпланган.

Дунё бойлиги кам сонли кишилар қўлида тўпланишда давом этмоқда, дея таъкидлайди Oxfam. Ўтган йили миллиардерлар сафига яна 210 киши қўшилди. Натижада, улар сони 1426 нафарга етди.

Ташкилот ривожланаётган мамлакатларда бойликнинг тақсимланишига мисол сифатида Ҳиндистондаги аҳволни келтиради. Бу мамлакатда кейинги ўн йил ичида миллиардерлар сони 61 кишига етди. Улар жами 250 миллиард АҚШ доллари қийматидаги сармояни ўз қўлларида тўплашган. 2003 йилда Ҳиндистон аҳолиси бойлигининг 1,8 фоизи миллиардерларга тегишли бўлган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 26 фоизга етган.

Тадқиқотда таъкидланишича, юзага келган бу вазиятни тўғрилаш лозим. Чунки у тенгсизлик юқори бўлган мамлакатларда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка таҳдид солади. Тенгсизлик юқори бўлган мамлакатларга ташкилот Россия, Ҳиндистон, Бразилия, Мексика, Аргентина, Хитой, Туркия каби мамлакатларни киритади. Тенгсизликни бартараф этиш учун солиқ тизимини янада адолатли қилиш, хайрия ишларига маблағ ажратиш ва оддий ишчи-ходимлар маошини ошириш каби чораларни тавсия этади.

Oxfam — 90 та мамлакатда фаолият юритувчи 17 та хайрия ташкилотининг бирлашмасидир. Унинг мақсади — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг энг қашшоқ қатламларига ёрдамлашиш ва адолатсизликка қарши курашиш, деб белгиланган.



Хитойнинг Гуандун провинциясида тўққиз ойлик гўдакни тириклай куйдириб юборишларига бир баҳя қолди, деб ёзади «Vesti.ru». Гап шундаки, Сяохао исмли чақалоқ уйида зинадан тушиб кетиб, бошидан жароҳатланган ва шифокорларнинг уринишлари самара бермаган. Шундан сўнг уни ўлган, деб ҳисоблашган, аммо...

Қайта тирилган чақалоқ

Одатга кўра, жасадни крематорийда куйдиришдан аввал у билан видолашиш маросими ўтказилади. Фарзандидан, жигаридан ажралиш оғир, албатта. Шу боис барчанинг дили хира эди. Айниқса, гўдакнинг аммаси жиянининг ўлганига ишонгиси келмасди. У Сяохаонинг устига эгилиб, «Агар ҳалиям тирик бўлсанг, қўлимни ушла», дея ўтинган. Шу пайт мўъжиза юз берди — бола чиндан ҳам ҳаракатга келиб, унинг қўлига тегинди ва йиғлаб юборди.

Ҳозирда Сяохао вилоят ихтисослаштирилган касалхонасида даволаняпти. Онасининг айтишича, у ея олади, сут ичади, қўл ва оёқчаларини қимирлатади. «Мен мўъжиза юз беришига ишонгандим, чунки боламнинг ўзи мўъжиза», — деди у журналистларга.

Аввалроқ ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берган — ўз жонига қасд қилган кениялик ўлимхонада ҳушига келган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 15-умумтаълим мактаби томонидан Дўсанов Файзулла Акромович номига берилган 11-синфни тамомлаганлик тўғрисидаги **O'R-A № 1718896** рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Мамадалиев Музаффар Мамиржонович номига 28.06.2013 йилда берилган **№ 3173448** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Пулатов Жавоҳир Собир ўғли номига 28.06.2013 йилда берилган **№ 3158310** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ishonch
2014-yil 30-yanvar № 14 (3363)

Юрт таянчлари

Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Баркамол авлод» болалар марказида мактабдан ташқари таълимни ривожлантириб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни қобилиятларига кўра касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида техник ва бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларида турли тўгараклар ташкил этилган.

— «Ёш журналист ва нотиқ», «Оила ва саломатлик», «Тасвирий санъат», «Мунчоқли безак», «Либослар дизайни», «Фолклор — вокал», «Фолклор — доира» «Инглиз тили» каби ўндан ортиқ тўгараклар кўплаб ёшларни ўзига жалб этмоқда, — дейди марказ раҳбари Комил Улуғов. — Бундан ташқари, шу йўналишда марказимизга узоқ бўлган мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳозирда фаолият юритиб келаётган тўгаракларимиз сони 27 тага етиб, уларга 400 нафардан зиёд қизиқувчи ёшлар қамраб олинган.

Аҳмад ТЎРА олган суратлар

Буни ҳаёт дерлар...

Изтироб

Арал муаллим ўқитувчилик қилаётганига ўттиз йилдан ошди. У қишлоқ мактабида тарихдан дарс беради. Ҳар бир дарси ўқувчиларни эртак каби сеҳрлайди...

Шу тиниб-тинчимас муаллим мактабда ўлкашунослик музейини ташкил қиладиган бўлди. Ташаббусни бутун жамоа маъқуллади. Музей учун хона ажратилди. Муаллим аввал музейбоп ашёлар йиғди. Эҳ-ҳе... У кирмаган хонадон, учрашмаган одам қолмади. Шогирдлари ҳам қараб туришмади. Турфа асори атиқалар тўпланди: мунчоқ, сирға, билакузук, омоч, бўйинтуруқ, тиркиш, ҳунармандчилик асбоблари, уй-рўзғор идишлари ва шунга ўхшаш...

Музейнинг очилиш маросимида тумонат одам қатнашди. Келганлар зўр қизиқиш билан боболари давридан ҳикоя этувчи экспонатларни томоша қилишди. Ҳамманинг диққатини тортгани иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган қишлоқдошларининг исмлари битилган тошлавҳа бўлди...

Нодира шу мактабда ишлайди. Уч йил олдин олий ўқув юртини битириб ишга келган. Жудаям сулув қиз. Қадди-қомати алифдек, қоши пайваста, юзи қизил олмадек, сочи товонини ўпади, кулганида офтоб уялади гўё.

Тўқсон етти ёшли Пардахол момо унинг энасига момо бўлади. Онахоннинг бошидан не кунлар ўтмаган. Кун кўрмагур колхоз раиси ўғлининг ўрнига урушга момонинг ёлғизи — Боймаҳматни жўнатди. Орадан икки йил ўтиб, ўғлидан «қора хат» келди. Пардахол ўтда ёнган чўпдай куйиб адо бўлди. Келини норасида гўдагини қайнонасига қолдириб, қўшни қишлоқлик бир жувозчига тегди-кетди. Одам боласи ҳар қандай кўргуликка чидар экан. Пардахол қайғу-ғамдан ўлмади, жони темирдан ҳам қаттиқ экан. Бу орада набираси Ёдгора бўйига етди. Пардахол момо: «Уй-жойимни обод қиладиган, ўзимни онасидек ҳурмат қиладиган йигитни ичкуёв қиламан», деб юрди. Айтганидек бўлди. Кўчим чўпоннинг ўғлини куёв қилди. Шундан бери худонинг берган кунига шукр қилиб, яшаяпти.

— Моможон... Суюнчи беринг! — момосини музейнинг очилиши ҳақидаги хушхабар билан суюнтирмоқчи бўлди Нодира. — Музейнинг очилиш маросимига қишлоқнинг катта-кичиги қатнашди. Менга аёлларнинг зебу зийнати ёқди. Айниқса, қиз-жувонларнинг сирға, ҳафабанд (таппиш), билакузуги роса чиройли экан. Чойнак-пиёла соладиган ёғоч ғилофтаркашни айтмайсизми?!

— Ана шу таркашларни уста Юзбой отамга ясаб берган. Нақшларини томоша қилдингми? Бутун бошли қишлоқда фақат бизларда бор эди. Кимнинг уйига меҳмон келса, чойнак-пиёламизни сўраб келишарди. Ҳафабандни онам бечора рангин мунчоқлардан тўқиган эдилар. Сирға ва билакузукларни раҳматли отам мен учун Гузор бозоридан олиб келганди, — хотиралар оғушида кампирнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳаммасиям майли, — таассуротларини ҳаяжон билан гапирди Нодира. — Урушда бедарак кетган жангчилар рўйхатида бобомнинг ҳам исм-шарифини ўқидим.

Пардахол момонинг дами ичига тушиб кетди. Кўзларини юмиб, бошини эгди. Ўша қирғинбарот йиллардан бери юрагининг туб-тубида йиринг боғлаб ётган ярси хуруж қилган эди. Аммо ўсал бўлганини чеварасига билдирмади. Кечга бориб кўз олдини қоплаган туман тарқалиб, ўзига келгандай бўлди...

— Саллотларни зиёрат қилгим келяпти, — охир бир куни Нодирага ёлворди момо. — Онангга айтсам, жеркиб ташлайди. Дунёга келиб ниманиям кўрдим мен шўрлик. Дардим енгиллашадими деган-дим-да.

Нодира музей ҳақида гапириб, хато қилганини тушунди. Момонинг гурунги ҳам, сўрови ҳам шу рўйхат бўлди-қолди.

— Мактабга бораман, деб тиқилинч қилаётганмишсиз, — момосини жеркиди Ёдгора. — У бор-йўғи бир рўйхат-ку, момо. Нодиранинг бошини қотирманг...

Пардахол момо Нодирадан ўпкалади:

— Онангга бекор айтибсан. Бу иккаламизнинг ўртамиздаги гап эди...

Нодира момосининг юзини силади.

— Ўзимнинг моможоним... Фариштагинам. Онамдан хафа бўлдингизми? Бироз жиззакилигини биласиз-ку. Алағда бўлманг, бир йўлини қиламиз.

Пардахол момо чеварасига тайинлади:

— Арал муаллимга айт, менга бир учрашсин. Гапим бор.

Якшанба куни Ёдгора момо қўшни қишлоққа, қиз узатаётган қайнсинглисиникига тўйга кетди. Арал муаллим Нодирага тайинлади:

— Момонгнинг ўтинчини бажармасак бўлмайди. Бугун энг қулай кун. Кўнглини оғритмайлик. Машинада олиб келмоқчи эдим, кўнмади. Зиёратга пиёда бораман, дея туриб олди.

— Ҳамсояларникига ўзи кириб-чиқади, — устозининг кўнглини тўқ қилди Нодира. — Куч-қуввати — ҳасса. Ҳали анча тетик.

Мактаб унча узоқ бўлмаса-да, момо йўлда икки марта нафас ростлади. Мактаб ҳовлисига киргандан сўнг ҳаяжонланаётгани сезилди. Музейнинг эшиги олдига етганида қўллари қалтирай бошлади. Арал муаллим ўтирғич чиқариб берди.

— Пича ўтириб, дамингизни олинг. Кеча менга бақувватман, деб мақтанган эдингиз-ку?

— Адои-тамом бўлганим билинди, — тиззаларига шапатилади Пардахол момо. — Сендан розиман, гапимни икки қилмадинг. Отанг раҳматли билан Боймаҳматим бир кечада туғилган эди. Мактаб ёшига етганда илик ушлатиб дўст тутинтирган эдим. Мана, изини босиб, чироғини ёқиб юрибсан. Менинг ўғлим Боймаҳматнинг бўлса...

Момонинг жисму жони гўё шамолда қолган япроқдай титрамоқда, йиғламаётган бўлса-да, қалби бўзламоқда эди.

— Моможон, — алағда бўлиб ёлворди Нодира. — Бу нима деганингиз? Мана, биз бормиз-ку. Йиғламайман, деб ваъда бергандингиз-а.

— Йиғлаганим йўқ, — кўзларини беркитди момо. —Ушла қўлимдан, мени ичкарига бошла.

Момо зинапояга қадам қўяркан тиззалари қалтираб, эшикка суяниб қолди. Дармони қуриди. Кўзларидан ёш думалади.

— Бўлди энди, момо... Йиғламанг. Шундай қилаверсангиз, уйга қайтариб кетаман, — деди Нодира.

Арал муаллим билан Нодира момога икки тарафдан тиргак бўлиб туришди. Момо рўйхатни сўради.

Рўйхат қаршисига олиб келиб, курси қўйиб бердилар.

— Ўтиринг, момо, — дея унинг ёнига чўкди Арал муаллим. Пардахол момо ниманидир пичирлаб, унга юзланди ва:

— Бобонгнинг отини ўқимайсанми? — дея тоқатсизланиб шикаста овозда илтижо қилди.

Нодира рўйхатни ўқий бошлади ва Сариқов Боймаҳмат, деганда Пардахол момо инграб юборди. Ўрнидан базўр туриб, юзини мармар тош лавҳага босди. Кўзлари юмуқ, ранги оқариб кетганди...

Арал муаллим Нодирага буюрди:

— Сув! Сув олиб кел!!!

— Ўтиб кетади, — кўзларини очди момо. — Ўғлимга қўлим етадими? Боймаҳматимнинг отининг устига қўлимни бос!

Нодира момосининг қоқсуяк билагидан ушлаб, кафтини бобосининг исми ёзилган тошга босди. Дийдаларидан ёш оқди.

Бошидан сирғалиб тушган рўмолини тўғрилаб қўйган муаллимдан момо алаҳсирагандай сўради:

— Аралбой уйига кетдими?

— Нималар деяпсиз? Сизни аввал уйингизга олиб бориб қўяман, кейин уйга кетаман. Нодира сув олиб келди. Ичинг.

Пардахол момо хаёлини йиғиб, атрофга олазарак боқди.

— Аралбой, сендан ўтинчим — қабримга уч киши учун тупроқ ташлайсан: Боймаҳмат, отанг Қурбон ва ўзинг учун. Билиб қўй, бу — менинг васиятим.

Пардахол момо қўзғолди.

— Битта зиёрат бўлса, қилдим. Буёғи...

— Бирозгина ўтириб туринг, — елкасидан тутди муаллим. — Мен машинамни олиб келай.

— Ўзим, — қайсарлик қилди момо. — Қишлоғимнинг ҳавосидан тўйиб, секин-аста кетаман. Ёнимда қувватим — Нодирагинам бор, сен хавотирланма.

Пардахол момо Арал муаллимнинг пешонасидан ўпди. Елкаларини сийпалади.

Эртасига... Тонг юлдузи ботар вақти сокин ва осуда қишлоқ сукунатини момонинг хонадонидан «момом»лаб чиқаётган йиғи овози бузди...

Турсунбой БОЙМИРОВ

Назм

ОМАД КАЛИТИ

Абадият эмас ҳеч бир йил — имкон,
Унда ҳам муддат бор, муайян умр.
Йўқотмаса агар ўзини инсон,
Сўраб юрмас сўнгра ҳар кимдан узр.

Тилагани оддий башарий тилак,
Соғлиқ, саломатлик, муносиб ҳаёт.
Аммо ҳамма билиб қўйиши керак:
Неки юз бермасин ўзидир нажот.

Омад калитининг устаси ўзи,
Қучоқ очиб кутар эгасини бахт.
Кимки яшай олса ўзидан ўзиб,
Унинг фойдасига ишлар ҳатто вақт.

УМИД

Умид — олисларда кўринган чироқ,
Балки симёғоч у,
Балки қандил у.
Кўнгил ёришгандек туюлар, бироқ,
Навбатдаги алдов бўлса-чи?
Дил хун...

Шубҳа туғилади,
Гумон оғриқли,
Ўзи учун ёққан бўлса-чи биров?
Оғзи куйган ичар пуфлаб қатиқни,
Қордан совуқ бўлар гоҳ маҳал қиров.

ҲАР КИМДА ЎЗИГА ЯРАША ТАШВИШ

Ҳар кимда ўзига яраша ташвиш,
Ким нон қайғусида,
Ким кимхоб чопон.
Нонни берган Худо чопон ҳам бермиш,
Шукр қилса бўлди борига инсон.

Бутун бўлар нони,
Қутлуғ чопони,
Ҳурмат-эҳтиромдан қисмас ҳеч қачон.
Оғзи ошга етган чоғи, ёмони –
Шўхлик қилиб қўяр тўқлиққа инсон.

Ёддан кўтарилар эски чориғи,
Эшик тепасида сақлар гарчи жон.
Қанча чиранмасин,
Ортиғи — ортиқ,
Агар меъёрини унутса инсон.

САБР САБАБ, ШУКР БОИСИ

Кўзи тўқнинг илиги тўқдир,
Ҳеч кимсага қилмас иддао.
Яшамоқдан армони йўқдир,
Ушалади бир-бир муддао.

Сабр сабаб,
Шукр боиси,
Камда кўпни кўргани учун.
Сўзга кирар кўнгил хоҳиши,
Ақли борнинг қўли ҳам узун.

ТЎРТЛИКЛАР

Кенг қилгил кўнгилни тор бу дунёда,
Бори ҳам, йўғи ҳам бор бу дунёда.
Тўрт томон қибладир қайга урма бош,
Орли бўл, орсизлик ор бу дунёда.

***

Юк олсанг елкага, кўпнинг кўпи бўл,
Сўз бермоқ мард иши — марднинг «хўп»и бўл.
Бутун ўрмон қарши чиққанида ҳам
Чекинма, ўт олган гугурт чўпи бўл.

***

Тани жонинг соғми – танбал бўлма ҳеч,
Меҳнат билан ўтсин умринг эрта-кеч.
Кўзини ўйгунча қорни тўқларнинг,
Ғайрат қил, қашшоқлик жандасини еч.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Ислоҳотлар ва медиа тизим равнақи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда таҳририятларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касб малакаси ва маҳоратини ошириш, ихтисослашувига яқиндан кўмаклашиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган ўттизга яқин ижодий лойиҳалар, танловлар ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмоқда. Фонд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Жамият ва мен — 2013» танлови мамлакатимиздаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари, шунингдек, журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўртасида ўтказилди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма ва интернет нашрларда кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу танловга 100 нафардан ортиқ соҳа вакилининг 2 мингдан зиёд ижодий иши тақдим этилди. Улар орасидан энг муносиблари танлов ғолиби, деб эълон қилинди.

Тадбир якунида танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

PS: *«Жамият ва мен — 2013» танловининг «Фермерлик имкониятлари ва истиқболлари» йўналишида таҳририятимизнинг Наманган вилояти мухбири Дилдора Раҳмонова I-даражали диплом билан тақдирланди. Ҳамкасбимизни қутлаган ҳолда, унинг бундан ҳам нуфузли танловлар ғолиби бўлишига тилак билдирамиз.*

Реклама ва эълонлар

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

1. ЛОТ-1

ЛОТ-1.1 «Фарғона вилояти Бағдод тумани Самарқанд ҚФЙ Самарқанд қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши»

Бошланғич нархи – **344 930 960 сўм ҚҚС билан; 287 442 467 сўм ҚҚС киз.**

Муддати – **30 кун.**

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. ЛОТ-1

ЛОТ-1.3. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Бекобод қишлоғидаги Чинобод ҚФйни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи – **127 194 894 сўм ҚҚС билан; 105 995 745 сўм ҚҚС киз.**

Муддати: 01.07.2014й.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел. (95) 401-52-01 ,401-52-06.

Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 % миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва четэл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 8-373-244-55-32

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Осиё чемпионати – 2014»

Таиланднинг Бангкок шаҳрида давом этаётган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг ярим финалига чиққан боксчиларимиз сони олти нафарга етди.

ЯНА ТЎРТ БОКСЧИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Вазни 52 килограмм боксчилар мусобақасида иштирок этаётган Абдулҳай Шораҳматов чемпионатдаги иккинчи жангида таиландлик Критипак Дуангнутни йирик ҳисобда мағлубиятга учратди.

60 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган Фазлиддин Мелибоевнинг маҳорати мухлису мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Мустаҳкам ҳимоя ва кучли техникага эга боксчимиз жангларни муддатидан олдин якунламоқда. Биринчи жангда непаллик Саураб Ламани нокаутга учратган ҳамюртимиз чорак финал учрашувида индонезиялик Рикки Винардани ҳам аниқ зарба билан рингга қулатди.

75 килограмм вазн тоифасида иккинчи жангини ўтказган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Козимбек Мардонов қозоғистонлик Бекжан Бакировни очколар ҳисобида енгди. Маҳмуд Ғоипов 64 килограмм вазн тоифасидаги баҳсда Хитой Тайпейи вакили Хун Минг Чуандан устун келди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Азизбек Шукуров ва Бектемир Меликўзиев ҳам ярим финал жангларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган.

ЎзА

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-68-99; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 91 268-92-32; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: **A.Abdullayev**
Navbatchi: **N.Mahamov**
Musahhih: **S.Shodiyeva**

Bosishga topshirish vaqti - 19.20
Topshirildi - 19.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. **Buyurtma Г — 118** **21477 nusxada bosildi** 1 2 3 4